


# ЎЗНОНСИ

## ОЗОД ЮРТНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ

5 май — “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони ва “Олтин юлдуз” медаллари, “Мустақиллик”, “Дўстлик” орденлари ҳамда “Жасорат”, “Шухрат” медаллари таъсис этилган кун



Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда миллий давлат мукофотлари жорий этилиб, уларнинг ҳуқуқий асослари яратилиши улкан тарихий воқеа бўлди. Ўзбекистон Республикаси парламентининг 1994 йил 5-6 май кунлари бўлиб ўтган сессиясида “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони ва олий нишон — “Олтин юлдуз” медаллари, “Мустақиллик”, “Дўстлик” орденлари ҳамда “Жасорат”, “Шухрат” медалларини таъсис этиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди.

“Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони олий даражадаги мукофот бўлиб, мамлакатимиз фуқароларига, айрим ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларга ҳам давлат ва халқ олдидаги қаҳрамонлик кўрсатиши билан боғлиқ хизматлари учун берилди. “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган шахсга “Олтин юлдуз” медаллари ва унвон берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат тантанали вазиятда топширилади. “Олтин юлдуз” медаллари олди томонида ҳар бир қиррасининг икки ёнбағридан олтин нурлар таралган саккиз қиррали юлдуздор. Медал марказидаги доира ичида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рамзига монанд ярим ой ва беш қиррали юлдуз жойлашган.

Мамлакатимиз парламентининг ўша сессияси қарорига биноан суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони берилди.

Ўтган йиллар давомида ўнлаб юртдошларимиз ана шу олий мукофотга сазовор бўлдилар. Ўзбекистон Қаҳрамонлари сафи турли соҳаларда меҳнат қилаётган турли миллатга мансуб ватандошларимиз ҳисобига йилдан-йилга кенгайиб бораётгани мамлакатимизда инсон меҳнатини муносиб баҳолашга, кадр-қимматини юксалтиришга қаратилган улкан эътиборнинг амалий ифодасидир.

Тарихдан маълумки, аجدодларимиз Ватан озодлиги ва эрки йўлида мардонавор кураш олиб борган. Ота-боболаримизнинг асрий орзу-умидлари — истиқлолни халқимизнинг улкан тарихий ютуғидир. Шу боис давлатимизнинг юксак мукофотларидан бири “Мустақиллик” номи билан аталишида катта рамзий маъно бор.

“Мустақиллик” ордени икки ён бағридан зарҳал нур таралган саккиз қиррали мусамман кўринишда. Орденининг марказида мустақиллик рамзи бўлмиш Хумо қуши тасвирланган. Мазкур орден билан мустақил ҳуқуқий давлат барпо этиш ва уни мустаҳкамлашга, мамлакатимизда тинчлик ва тараққиётни таъминлашга улкан ҳисса қўшган юртдошларимиз, шунингдек, Ўзбекистон фуқароси бўлмаган шахслар тақдирланади.

Мустақиллик шарофати билан халқ эрки ва Ватанимиз

озодлиги йўлида қурбон бўлган ота-боболаримизнинг номлари қайта тикланиб, хотиралари абадийлаштирилди. Улар қаторида ўтган асрнинг ўттизичи йилларида қатағонга учраган буюк адиблар Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Чўлпон ҳам бор. Президентимиз фармонларига биноан миллий озодлигимиз йўлида кўрсатган матонати ва буюк хизматлари учун 1994 йили Абдулла Қодирий, 1999 йили эса Абдулҳамид Чўлпон “Мустақиллик” ордени билан тақдирланди.

Мамлакатимизда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотув ҳаёт кечирмоқда. Конституциямизда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Шу жиҳатдан “Дўстлик” ордени билан мамлакатимиз фуқаролари, шунингдек, юртимиз фуқароси бўлмаган шахслар Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш ишида эришган катта ютуқлари, Ўзбекистон халқининг бошқа мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳамкорлигини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун тақдирланадилар.

Мазкур давлат мукофоти соҳиблари орасида нафақат ҳамюртларимиз, айна чоғда бошқа мамлакатлар фуқаролари, хорижий элчихона ва ваколатхоналар, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам бор.

Қонун ҳужжатларида қайд этилганидек, давлат мукофотлари билан айрим ҳолларда

мамлакатимизнинг маъмурий-худудий бирликлари ҳам мукофотланиши мумкин. 2003 йилнинг сентябр ойида Нукус шаҳрининг 70 йиллиги кенг нишонланди. Мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётида, юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар ўртасидаги дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлашда нуқсусликларнинг ҳам хизматлари катта. Президентимиз Ислам Каримовнинг фармониغا мувофиқ Нукус шаҳри “Дўстлик” ордени билан мукофотланган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашда, ҳарбий ёки хизмат бурчини адо этиш вақтида кўрсатган мардлик ва жасоратлари учун ўнлаб юртдошларимиз “Жасорат” медаллари билан тақдирланди.

“Шухрат” медаллари билан эса мамлакатимиз иқтисодиёти, фани ва маданиятини ривожлантириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий истиқлол ва ижтимоий тараққиёт гояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишида улкан ютуқларга эришган кишилар тақдирланади.

Ватанимизнинг ўз давлат мукофотлари, орден ва медаллари, фахрий унвонларининг таъсис этилиши катта маънавий, тарбиявий аҳамиятга эга воқеадир. Зеро, улар Юртбошимиз таърифлаганидек, “Ҳалол ва баракали меҳнат қилган, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган ҳар бир инсон учун олий ном, олий даража, олий қадриятдир”.

Олим ТҮРАКУЛОВ,  
ЎзА шарҳловчиси

## Ҳафтанома

27 апрел

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Япониянинг иқтисодиёт, савдо ва саноат вазири Акира Амарини қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

28 апрел

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни айрим моддаларининг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш ҳақидаги ҳамда «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунлари матбуотда эълон қилинди.

30 апрел

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Хитой Халқ Республикасининг Тараққиёт ва ислоҳот ишлари бўйича давлат кўмитаси раиси Ма Кайни қабул қилди.

1 май

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда General Motors-DAEWOO Auto and Technology (GMDAT) компанияси президенти Майкл Гриммалдини қабул қилди. Музокарада «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамияти билан GMDAT ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, биргаликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятларига доир масалалар муҳокама қилинди.

3 май

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида журналистика соҳасида «Олтин қалам» иккинчи Миллий мукофоти учун халқаро танлов голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.














Чоршанба 9



5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

23.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралигида».

16.20 «Парвона». Уйғун асари асосида спектакль.



7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30 Салом, Тошкент! Кўнгилочар информацион мусикий дастур.

YOSHLAR

6.55 Дастирнинг очилиши. 7.00 «ЯНГИ ТОНГ» ахборот-кўнгилочар дастури.

22.10 «O'zbektelefilm» намойиш этади. «Хаёт йўллари».



8.00 «Бодроное утро». 9.00 «Хабарлар» (рус. тилида).

16.30 Футбол. Осиё чемпионлар лигаси. «Нефчи» (Фаргона) - «Ал-Нажаф» (Ирок) Танафусда.

ПЕРВЫЙ

5.00 Новости 5.10 «День Победы». Праздничный канал

17.55 «Светлой памяти павших в борьбе против фашизма». Минута молчания



04.50 Х/ф «У твоего порога». 06.05 Х/ф «Случай с Полинным».



04.35 Фильм-концерт «Рождение победы».

10.50 Х/ф «А зори здесь тихие». 12.00 «Сегодня».



07.00 Победоносный голос. 07.30 М/с «Люди Икс».



07.00 Х/ф «Юный лорд Фонтлерой». 08.40 М/ф «Ивашка из дворца пионеров».

Пайшанба 10




5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

21.35 ТВ анонс. 21.40 «Янги оҳанглари».

YOSHLAR


6.55 Дастирнинг очилиши. 7.00 «ЯНГИ ТОНГ» ахборот-кўнгилочар дастури.

15.00 «Келажак гаройботлари». Илмий-оммабол дастур.



7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар информацион мусикий дастур.

21.00 «Жозиба». 21.25 «Анонс».



7.00 «Бодроное утро». 8.05 «Малахов +».

18.00 «Болалар спорти». 18.15 «Гейм - сет - матч».

ПЕРВЫЙ

4.00 Телеканал «Доброе утро» 8.00 Новости 8.05 «Малахов +»

20.00 Время 20.20 Премьера. Сергей Маковецкий, Ирина Розанова в комедии «Неверность»



04.00 «Доброе утро, Россия!» 07.45 «Тайны кремлевской медицины».



05.00 «Сегодня утром». 08.05 Наше все!



07.00 Победоносный голос. 07.30 М/с «Люди Икс».



07.00 М/с «Самурай Икс», 1 и 2 с. 07.45 М/ф «Желтый аист».

Жума

11



5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

20.10 «Оила ришталари». Телесериал. 20.50 Дунё иклими. 21.00 «Ахборот».



6.55 Дастирнинг очилиши. 7.00 «ЯНГИ ТОНГ» ахборот-кўнгилочар дастури.

13.45 «Болалар табассуми». 13.50 «Болажон». 14.00 «ЯНГИ КУН» ахборот-кўнгилочар дастури.



7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар ин-формацион мусикий дастур.

20.20 Прогулка под водой: «Галапагосские острова». 20.50 «Репортаж»/рус/.



7.00 «Бодрое утро». 8.05 «Малахов +». 9.00 «Хабарлар» (рус. тилида).

4.00 Телеканал «Доброе утро». 8.00 Новости. 8.05 «Малахов +».

20.25 «Клуб Веселых и Находчивых». Высшая лига. 22.40 Закрытый показ. Премьера. Фильм «Эйфория» (2006 год).



04.00 «Доброе утро, Россия!» 07.35 «Вся Россия». 07.45 «Мой серебряный шар. Рената Литвинова».

05.00 «Сегодня утром». 08.05 «Наше все!». 09.00 «Сегодня».


Шанба

12



5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

00.30-00.40 Тунги наволар. «Uzbekistan». 00.40 Кўрсатувлар дастури.



6.55 Дастирнинг очилиши. 7.00 «ЯНГИ ТОНГ» ахборот-кўнгилочар дастури.

17.00 «Қадимий ва афсонавий Маргилон!» 17.35 «Кино-SMS». Совринли телему-собаха.



7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар ин-формацион мусикий дастур.


21.00 «Жозибя». 21.25 «Анонс». 21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.



7.30 «Хабарлар». 7.50 «Бодрое утро». 8.50 «Хабарлар» (рус тилида).

5.00 Новости. 5.30 «Гении и злодеи». 6.00 Комедия «Теща».

17.10 Галина Польских, Николай Караченцов в комедии «Белые росы».



05.00 «Доброе утро, Россия!» 06.30 «Студия Здоровье». 07.00 «Вести».

04.10 Х/ф «Перегон». 06.30 «Сказки Баженова». 07.00 «Сегодня».

20.45 Т/с «У. Е.» 22.40 «Есть, что вспомнить...» Творческий вечер В. Добрынина.



07.00 Победоносный голос. 07.30 М/с «Люди Икс». 08.00 М/с «Приключения Марко и Джинны».



07.00 М/с «Самурай Икс», 1 и 2 с. 07.45 М/ф «Лесной концерт».

18.00 «Сегодня». 18.35 «Профессия - репортер». 19.05 «Программа максимум».



07.00 М/ф. 09.00 М/с «Черепашки-ниндзя». 10.00 Х/ф «Дикие денки».



07.00 Х/ф «Лорд-хранитель». 08.30 М/ф «Остров ошибок».

Якшанба

13



5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

11.20 «Қилин кирқ ёриб» Интеллектуал ўйин. 12.05 «Кино-SMS». Совринли телемусобака.



7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!» Кўнгилочар инфомацион мусикий дастур.

11.20 «Файзли ошона». 11.45 «До-ми-соль». Детская шоу программа.

ПЕРВЫЙ

5.00 Новости 5.10 «Королевы красоты. Жизнь за короной»

РОССИЯ

05.00 Х/ф «Тревожный вылет». 06.30 «Сельский час».

19.00 «Вести недели». 20.00 «Специальный корреспондент».

НТВ

04.55 М/ф: «Ну, погоди!» 05.15 Х/ф «Конго». (США).

ТВ-3

07.00 М/ф. 07.30 Жизнь, полная радости. 08.00 М/ф.

01.00 Х/ф «Вампиры против зомби». (США).

СТС

07.00 Х/ф «Ловушка для родителей 2». 08.20 М/ф: «Трое из Простоквашино».

«Шпионов». 11.00 «Самый умный». 13.00 «Жизнь прекрасна».

Информационно аналитический отдел компании «GENEROUS» предлагает Электронная Версия (База) нормативных документов «Охрана труда и техника безопасности» - ОТТБ

ОКНА ДВЕРИ ВИТРАЖИ Профили из мировых производителей АКФА и VERATEC В КРЕДИТ 50%

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА! «TULPOR» савдо уйи

TV-MARKAZ

Душанба 7

07.00 «Премьера» (узб) 07.30 Узбек наволари 08.00 «Премьера» (рус)

08.00 Марказ NEWS (узб) 08.10 Мировые хиты 09.00 Серил «Оперативный псевдоним» 9-серия

Сешанба 8

07.00 Узбек наволари

Чоршанба 9

07.00 Узбек наволари 07.30 «Премьера» (рус)

08.30 Узбек наволари 09.00 Серил «Оперативный псевдоним» 10-серия

Пайшанба 10

07.00 Узбек наволари 08.00 Марказ NEWS (узб)

11.00 «Мехрибонгинам» бадий фильм 13.00 Узбек наволари 14.00 Марказ NEWS (узб)

Жума 11

07.00 Узбек наволари 08.00 Марказ NEWS (рус)

17.00 «Великолепная семёрка» 17.30 Мировые хиты 18.00 Марказ NEWS (узб)

Шанба 12

07.00 Узбек наволари 08.00 Марказ NEWS (узб) 08.10 Узбек наволари

18.00 Марказ NEWS (рус) 18.10 Узбек наволари 18.30 «Алло-Марказ»

Якшанба 13

07.00 Узбек наволари 08.00 Марказ NEWS (рус) 08.10 Концерт

Теледастурлар «САДО» МЧЖ дан олинди











